

Т О Ш К Е Н Т О Қ Ш О М И

2009 йил, 18 февраль, Чоршанба

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 34 (11.345)

Баҳоси эркин нархда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг «Кутқарув хизмати ва кутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Қонуни мазмун-моҳияти, ундан кўзланган мақсад ва вазифалар мавзусидаги мазкур йиғилишда давлат, нодавлат матбуот ва ахборот агентликлари, телерадиоканаллар, газета ва журналлар ходимлари иштирок этишди.

● Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида «5+1» ёш ижодкорлар гуруҳининг «Вертикал» номли санъат кўргазмаси очилди. Икки йилдан бери ўтказилаётган мазкур кўргазма ёш rassomларнинг ҳаёт фалсафаси ҳақидаги фикрларини санъатнинг турли кўринишларида ифода этиб, томошабинга янги ғоялар бағишлаши билан ҳам аҳамиятлидир.

● «Истиклол» саройида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда республика Байналмилал маркази, қозоқ миллий маданият маркази томонидан ташкил этилган халқаро «Оқинлар айтишуви» кечасида ўзбекистонлик, қозоғистонлик ва қирғизистонлик оқинлар ўзларининг куй ва кўшиқлари билан иштирок этишди.

● Урганч шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази ва «Қамолот» ЁИХ шаҳар бўлими Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган меҳнат ярамқасида 80 та корхона ва ташкилот 900 дан зиёд бўш иш ўринлари билан қатнашди. Шу кунги тадбир давомида 300 нафар талабгор билан мутахассислиги ва касбий лаёқатида кўра меҳнат шартномаси тузилди.

● Қарши шаҳрида жаҳон андозларига мос тиббиёт муассасалари сони яна биттага кўпайди. Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг янги ҳудудий диагностика лабораторияси ишга тушди. Лаборатория хавфли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган.

● Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан хона авиамодели спорти бўйича вилоят биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

● Қарши шаҳрида Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали соврини учун 5 километр масофага оммавий югуриш бўйича мусобақа ўтказилди.

● 32 минг кишидан ортқ аҳоли истиқомат қилувчи Қорасув шаҳрида янги ёшлар маркази очилди. Унда компьютер саводхонлиги, биш ва тикиш, моделлаштириш ва дизайн курслари ташкил этилган бўлиб, ушбу курсларда ҳозирда 100 га яқин ўсимлар ва қизлар ўқимокда. Тез орада марказ қошида хорижий тилларни ўрганиш курслари ҳам очилади.

ЖАҲОНДА

● АҚШ Президенти Барак Обама иккисодий инқирозга қарши 787 миллиард долларлик янги чора-тадбирлар пакетини жорий этиш хусусидаги қонунни имзолади.

● Кеча Исроил ҳарбий ҳува кучлари Ғазо секторидagi иншоотларга ҳаво ҳужумларини уюштирди.

● АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтоннинг Шарқий Осиё мамлакатлари бўйлаб сафари бошланди. У сафари давомида Япония, Хитой, Жанубий Корея ва Индонезия мамлакатларида бўлади.

● Лондоннинг Хитроу аэропортида Йоханнесбургдан келган самолёт экипажи аъзолари ҳибсга олинди. Гап шундаки, экипаж аъзоларининг бирининг юклари текшириб кўрилганда 5 килограмм кокаин гиёвандлик моддаси топилди.

● Россия ва Белоруссия ўртасидаги келишувдан келиб чиқиб асос солинган ҳаво ҳужумидан мудофаа тизими илк бор шу йилнинг кузида синовдан ўтказиладиган бўлди.

● Чилининг Мауле воҳисида ўрмон ёнғинларига қарши курашиш чораларини кўришга чиққан мутахассислар ўтирган ўт ўчирувчи вертолёт қайтаётганида тоққа урилиб, портлаб кетиши оқибатида 14 киши ҳаётдан кўз юмган.

● Кеча Лондон биржасида ўтказилган савдоларда бир баррел нефтнинг нархи 41,03 доллар, Нью-Йоркда эса 34,93 доллар миқдорда қайд этилди.

● Шимолий Американинг «Морган Стенли» банкининг собиқ вице-президенти Р.Ғаравента 2,5 миллион долларни ўзлаштирилганликда айбонлиб, ҳибсга олинди.

● Чехияда йўловчи поезди ва шаҳар атрофига қатновчи электропоездининг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида битта вагон издан қиқиб кетди, 40 киши жароҳатланди. Улардан икки нафари оғир аҳволда.

● Қора денгизда Туркияга тегишли бўлган танкерда ёнғин чиққан. Бахтсиз ҳодиса туфайли экипаж аъзоларидан икки нафари тан жароҳати олган бўлса-да, танкердаги юкларга ҳеч қандай зиён етмаган. Ёнғинни бартараф этиш учун Истамбулдан махсус гуруҳ жалб этилди.

● Амстердам шаҳрида машҳур rassom Винсент Ван Гог мўйқаламига мансуб расмлар кўргазмаси очилди. «Ван Гог ва тун ранглири» мавзуси остида ташкил этилган кўргазмага ташриф буорганлар 32 та картина, 19 та графика иш ва бешта расмини томоша қилишлари мумкин.

● Мамлакат парламенти қарорига кўра энг ривожланган денгиз давлатларидан бири бўлиши Сингапур қароқчилар билан курашиш мақсадида Адан кўрғазмида фаолият кўрсатаётган халқаро кучларга кўмак сифатида ҳарбий кема ва иккита вертолёт жўнатилади.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ
17 ФЕВРАЛЬ КУНИ
ОҚСАРОЙДА АҚШ ҚУРОЛЛИ
КУЧЛАРИ МАРКАЗИЙ
ҚЎМОНДОНЛИГИ
ҚЎМОНДОНИ ДЭВИД
ПЕТРЕУСИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

— Ташрифингизни Ўзбекистон — АҚШ муносабатларидаги муҳим воқеа деб ҳисоблаймиз. Чунки бу АҚШ янги маъмурияти вакилининг илк ташрифидир, — деди Ислам Каримов. — Ушбу учрашув ҳамкорликка доир масалалар ва минтақадаги вазият юзасидан фикр алмашиш учун яхши имкониятдир.

Ўзбекистон барча мамлакатлар билан тенглик, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида, икки томонлама манфаатдорлик нуктаи назаридан ҳамкорлик қилиш тарафдоридир. АҚШ билан мавжуд ҳамкорлик ҳам Ўзбекистон манфаатларига тўла жавоб беради.

Д.Петреус самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлиги нафақат икки мамлакат манфаатларига, балки таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Учрашувда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, қўшни Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, шунингдек, халқаро терроризмга, наркотрафикка, оммавий қирғин қуроли тарқалиши ва бошқа замонавий таҳдидларга қарши курашиш борасида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ
КАРИМОВНИНГ 2008 ЙИЛДА
МАМЛАКАТИМИЗНИ ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ
ЯКУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ
ДАСТУРНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР
ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН
ВАЗИРЛАР МАЎЖАМАСИ
МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА КИЧИК
БИЗНЕСНИНГ ЯЛПИ ИЧКИ
МАҲСУЛОТДАГИ УЛУШИ 2008 ЙИЛДА
48,2 ФОИЗГА ЕТГАНИ АЛОҲИДА
ТАЪКИДЛАНДИ. БУГУНГИ КУНДА
МАМЛАКАТИМИЗДА ИШ БЎЛАН БАНД
АҲОЛИНИНГ 76 ФОИЗДАН КЎПРОФИ
АЙНАН ШУ СОҲАДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТИР.

Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкни босқичма-босқич камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 10 фоиздан 8 фоизга, жорий йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши ва айни пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг тақомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Натижада сўнги олти йил мобайнида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 1,9 баробар кўпайди ва 2008 йили қарийб 400 мингтани ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасида Президентимизнинг мазкур маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган ҳайат йиғилишида шулар ҳақида сўз борди.

Қўмита раиси Б.Парпиев давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнаомлигида иқтисодий эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, жумладан уларга солиқ имтиёзлари берилётгани бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса ўз навбатида иқтисодиётимизнинг барқарор фаолият кўрсатиши ва ўсиш суръатларини изчил таъминлаш имконини бермоқда. Жаҳонда молиявий инқироз рўй бераётган ҳозирги шароитда бу янада яқол намоён бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).



МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ҲАМДА РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИШЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ДАВОМ ЭТТИРИЛАЁТГАНИ ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ САФИ ОРТИШИДА, УЛАР ТАЙЁРЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ РАҚОБАТБОРДОШЛИГИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИШИ БАРОБАРИДА АҲОЛИ БАНДЛИгини ТАЪМИНЛАШДА, ҚЎШИМЧА ИШЧИ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИДА КАТТА ҲИССА БЎЛМОҚДА.

Кичик бизнес

ХАРИДОР ТАЛАБИГА МОС

«Корол-каштон» хусусий фирмасининг пойтахтимизда иш бошлаганига ўн йилдан ошди. Утган йиллар мобайнида икки йўналишда иш олиб бораётган кичик корхона тадбиркорлари маҳсулот сифати ҳамда турлари, бажарилаётган иш самарадорлигини оширишга муваффақ бўлишмоқда. Бунинг асосий боиси эса юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равижи йўлидаги имкониятлардан оқилона фойдаланиш, мавжуд шарт-шароитлар, имтиёз ҳамда ҳуқуқий кафолатларни самарали қўллаш, бозорни ўрганиш асосида талаблар даражасидаги товарларни тайёрлаш, хизматларни ташкил этишдир.

— Фаолиятимизни бир неча турдаги мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан бошлаган эдик, — дейди корхона раҳбари Рустам Мамамов. — Бу борада мебелсозларимизга Россиядан келтирилиб целларимизга ўрнатилган ёғочни қайта ишлаш дастгоҳ ва ускуналари қўл келди. Асосан буюртмалар-

га кўра мебель турларини ишлаб чиқарамиз. Унинг замонавийлиги, миқозлар талаби ҳамда эҳтиёжга мос бўлишига эришаемиз. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан биргаликда ёғочдан қурилиш ишларида кенг қўлланиладиган бунёдкорлик ашёлари ҳам тайёрлаямиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мебель тайёрлаш корхонасининг биринчи йўналиши бўлса, иккинчи йўналиш эса қурилиш-тиклаш ва таъмирлаш ишларидир. Бу борада тадбиркорлар энг тажрибали мутахассисларни тўплаган ҳолда иш бажаради. Утган йилда Фирдаўс Миллатлар Ташкилоти глобал фонди дастури бўйича ўтказилган тендерда голиб чиққан тадбиркорлар жорий йилда республика ОИТС марказига қарашли идора ва клиникаларни таъмирлаш ишларида фаол иштирок этишди. Албатта, бунёдкорлик ишларини тез ва сифатли адо этиш мақсадида қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилмоқда.

Корхонада йилдан йилга мебель турлари ҳам кўпайиб бормоқда. Айниқса, идора ва офислар учун мўлжалланган стол-стул, шкаф, қаровот, тумбочка, китоб жавонлари ва бошқа мебель турлари дизайнига алоҳида эътибор қаратиляпти. Жорий йилда эса уй жиҳозлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бунинг учун бир неча дизайндаги мустаҳкам мебель турлари яратилди.

Тадбиркорлар келгусида маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулотнинг харидорғир турларини кўпайтириш ва шунинг баробарида бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтиришни мақсад қилишган.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: мебель ҳақида меҳнат қилаётган маҳоратли усталар янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришмоқда.
Ҳакимжон Солихов олган суратлар

Касба сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақаларо тадбиркорлар институтида бўлиб ўтган тадбир хавфсизликни таъминлашнинг аҳамиятига бағишланди.

● **ФУҚАРОЛИК** жамияти ўрганиш институтида ўтказилган семинар «Муаммолар ва истиқбол-

лар» деб номланди.

● **«ГРАНД-Мир»** мехмонхонасида шифокорлар иштирокида ташкил этилган семинар-тренинг «Бир ёшгача бўлган болаларнинг овқатланишига замонавий ёндашувлар» деб номланди.

● **СЕРГИЕВ** политехника касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерацияси ҳамда «Ўзстандарт» агентлиги

ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари ўртасида ташкил этилган «Энг ёш истеъмолчи — 2009» курик-танловининг Сергели туман босқичи бўлиб ўтди.

● **ЯПОНИЯДА** ёш мусиқачилар ўртасида уюштирилган халқаро курик-танловда совриндор бўлган Глиэр номли академик лицей ўқувчилари Мансур Мухторов ва Дилноза Тўраевалар Тошкентга қайтиб келишди.

● **ТОШКЕНТ** автомобиль ва йўллар лицейида ўқувчилар ўртасида ташкил этилган «Касб маҳорати» курик-танлови голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● **ЎЗИНФОКОМ** компьютер технологиялари ва ахборотлаштириш маркази ташаббуси

билан шаҳримизда «Шарқона Бозор» акцияси ташкил этилди. Ушбу тадбир жорий йил якунига қадар давом этади.

● **КЕЧА** «Ўзстандарт» агентлигида уюштирилган кенгайтирилган йиғилишда ўтган йил якунлари ва жорий йил режалари муҳокама қилинди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

ПОЙТАХТИМИЗДА «ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК — ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ» МАВЗУГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан Олий Мажлис ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари Г.Йўлчиева, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси ўринбосари Г.Эшонқонова, Олий Мажлис ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзоси Н.Файзиёв ва бошқалар Президентимиз Ислам

Каримов раҳнаомлигида мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнида кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз, айниқса, ёшларнинг ҳар томонлама фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, иқтисодий-ҳуқуқий кафолатларини яратиш, долзарб ижтимоий-иқтисодий, гуманитар масалаларни ҳал этишдаги иштирокини таъминлаш, жамоат ташкилотларига ҳуқуқий, ташкилий, техник кўмак кўрсатиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар бу эзгу мақсадни ҳаётга изчил таътиб этишга хизмат қилаётган. Айни пайтда нодавлат нотижорат ташкилотларини тобора фаоллашиб бораётгани демократик ўзгаришлар ва жамиятни

эркинлаштиришда, давлат бошқарувида фуқаролар иштирокини кучайтириш имкониятини кенгайтирмоқда.

Ҳозир юртимизда беш мингдан ортқ жамоат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Улар аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшлар, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялаш, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик билимини ошириш, соғлиқни сақлаш каби қўллаб-қувватлаш фуқаролар манфаатларини йқондалаб келмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин ривожланишини таъминлашга доир мустаҳкам қонунчилик базаси имкониятларини кенг тарғиб этиш жамоат ташкилотларини фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шу мақсадда Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан Қорақалпоқiston Республикаси ва барча вилоятларда жамоат ташки-

лотлари ва фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий механизмлари, уларни амалиётга таътиб этиш тамойилларига бағишланган туркум семинарлар ўтказилди. Мазкур анжуманлар Олий Мажлис ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган эътиборга молиқдир.

Анжуманда жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан молиялаштириш механизми, ННТЛр фаолиятини кафолатлашга оид қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар, Давлат дастурларини амалга оширишда маҳаллий ҳокимликлар ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигига бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

"SHIFO NUR KO'Z" кўз лазерли микрожаррохлик маркази мутахассислари ана шундай ҳолатларда дардимизга малҳам бўладилар. Салкам 10 йилдан буён ушбу клиникада минглаб юртдошларимиз ва хориждан келган беморларнинг кўриш қобилиятлари яхшиланди, қанчадан-қанча беморларга дунёни бор ранглар билан идрок этиш имконияти қайтадан тақдим этилди. Йиллар давомида халқ оғзидан тушмай, ўз соҳасининг етакчиси бўлиб келиш — ҳазиллаш иш эмас. Бунинг сирини нимада?

— Клиникада юртимиздаги маҳоратли шифокорлар жамоаси йилгилми, улар мунтазам равишда хорижий илмий-даволаш марказларида малака ошириб боришлари ҳамда даволашда энг замонавий тиббий техника ва технологиялардан фойдаланишлари фаолиятимизнинг самарадорлигини белгиловчи бош омил бўлмоқда. — дейди шифохона раҳбари ва бош шифокори Алишер Худойбердиев. Бу фикрга ишонч ҳосил қилиш учун клиника фаолияти билан яқиндан танишишга қарор қилдик.

ТЎҒРИ ТАШХИС — САМАРАЛИ ДАВОЛАШ ГАРОВИ

Клиникага ташриф буюрган ҳар бир мижоз аввало малакали шифокорлар томонидан комплекс кўриқдан ўтади. Ташхис қўйишда дастлаб кўз қобилиятининг кучлиги (содада қилиб айтганда — кўз ўткирлиги) ўлчанади. Сўнгра автокератометрия қилинади. "Бу амалиёт кўзнинг рефракцион ҳолатини ўлчаш имконини беради, — дейди юқори тоифали шифокор-офтальмолог Шарофиддин Низомхўжаев. — Яъни, бунда кўзнинг узокчи ёки яқинчи яхши кўра олмаслиги, кўришнинг хиралашуви, мугуз парданинг эгрилиги каби нуқсонлар аниқланади. Бу эса, қисқа вақт ичида аниқ ташхис қўйиш имконини беради".

Клиникада жорий этилган ташхис усулларида яна бири — пневмотонометрия кўз соққасининг ички босимини тез ва аниқ ўлчашга хизмат қилади. Биомикроскопия амалиётидан сўнг эса, беморга бошланғич ташхис қўйилади ва тегишли тавсиялар берилади.

Ташхис бўлимининг имкониятлари шу билан чекланиб қолмайди. Бу ерда замонавий ташхис қўйиш технологиялари, жумладан, креатонограф, абберометр кабилар ёрдамида бемор чуқур ва батафсил кўриқдан ўтади. Натияжада одатда илк босқичларда пайқаш қийин бўлган бир қанча касалликлар аниқланади ва ўз вақтида бартираф этилади.

ЛАЗЕР — ИНСОН ХИЗМАТИДА


"SHIFO NUR KO'Z" клиникасида беморни имкон қадар жаррохлик аралашувисиз даволашга эътибор берилади. Касалликнинг жиддийлиги жаррохлик амалиётларини тақозо қилганда эса, улар ўта илгор технологиялар асосида амалга оширилади. Чунки, кўриш қобилиятини лазер ёрдамида қорқинчилашда эскимер — кўзга кўринмас тўқинларни узунлиги 193 нанометрни ташкил қилувчи лазер қурилмасидан фойдалана

нилади. Лазер нури билан миопия (узокчи кўра олмаслик)ни, астигматизмни даволаш мумкин — лазер таъсирида мугуз парданинг қийшқилиги тўғриланади ва муҳими, бунда лазер фақат мугуз парданинг ўзигагина ишлов беради ва организмнинг умумий ҳолатига ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди.



Шифо масканларида

ИНСОН АЪЗОЛАРИ ЖАВОҲИРИ ЗАРГАРЛАРИ



Кўз жаррохлигида глаукомани даволаш алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки бу кенг тарқалган касаллик бўлиб, кўрликка олиб келувчи энг асосий сабаблардан саналади. Бу касалликнинг хусусиятларига узок тўхталмаймиз-да, у икки турли — очик бурчакли ва ёпиқ бурчакли бўлишини келтириш билан кифояланамиз. Биринчи турдаги глаукома энг кенг тарқалган бўлиб, бу касалликни илк юзага келган пайтларида аниқлаш жуда қийин бўлади. Шу сабабли кўпчилик шифокорга анча кечикиб мурожаат қилади. Глаукомани жаррохлик йўли билан даволаш неча юз йиллик тарихга эга. Бугунги кунда ҳам унинг бир қанча усуллари қўллаб келинади. "SHIFO NUR KO'Z" клиникасида эса, илмий-фундаментал йўтиқларини қўллаган ҳолда лазер билан даволаш йўлга қўйилган. Бу амалиёт 10-15 дақиқада бажарилади. Авваллари бунинг учун Москвага, С.Федоров номидаги "Кўз микрожаррохлиги" тармоқларида илмий-техник комплексига боришга тўғри келарди. Бугунга келиб эса юртимизда, жумладан, "SHIFO NUR KO'Z" клиникасида ҳам бу амалиёт кенг тартиб қилинган.

БОЛАЛАР — КЎЗИМИЗ НУРИ...

— Болаларда, катталардан фарқли ўлароқ кўриш тизими доимий ривожланишда бўлади. Айнан болалик даврида аксарият хасталикларни жаррохлик аралашувисиз тuzатиб юбориш мумкин, — дейди болалар бўлими

га биноан амбулатория муолажаларини оладилар.

Болалар бўлими хорижий етакчи болалар офтальмологияси марказлари, жумладан, Россиядаги Гельмгольц номидаги илмий-текириш институти ва С.Федоров номидаги Москва илмий-техник комплекси болалар бўлими билан яқин ҳамкорлик қилиб келади.

ИШ ҚУРОЛИНГ СОЗ БЎЛСА...

Бугунги кун тиббиётини замонавий асбоб-ускуналар ва юксак технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. "SHIFO NUR KO'Z" клиникаси беморларнинг даволаш муди-датларини қисқартириш, уларга юксак даражада сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида тиббий техникалар ишлаб чиқарувчи жаҳоннинг етакчи компаниялари билан узвий алоқада бўлиб келади. Американинг офтальмологик техникалар ишлаб чиқарувчи "ALCON" компанияси, эскимерлазерларнинг энг сўнги авлоди — "Technolaz-217" учун зарур асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, Германиянинг "Bosch&Lomb" ва Япониянинг "NEDIK" компаниялари шулар жумласидандир.

Етакчи ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик шифокорларни ўз ишига катта масъулият билан ёндашишга ундайди. Чунки бу техникалардан фойдаланишга фақат бир йил берилади. Бир йил ўтгач, шифокор йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан хизмат топширади ва шунинг асосида унга берилган лицензия янги муддатга узайтирилади. Клиникага даво истаб келувчилар орасида нафақат республикамиз ва Марказий Осиё давлатлари, балки Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Корея Республикаси, Греция ва бошқа узок хориж мамлакатларидан ҳам мижозлар борлиги эса "SHIFO NUR KO'Z" шифокорлари ўз зиммаларига олган масъулиятли вазифани шараф билан адо этиб келаётганликларини кўрсатади.

Сўзимиз сўнгида клиникада йўлга қўйилган намунали хайрилик тadbирини тилга олиб ўтишни лозим топдик. Утган йилдан бошлаб "SHIFO NUR KO'Z" шифохонасида янги аънама жорий қилинди — вилоятларда кўча скрининг тadbиротлари ўтказиш йўлга қўйилди. Ушбу хайрилик тadbирларида катнашган минглаб одамлар ҳам вақтлари, ҳам маблағларини тежаган ҳолда бевосита жойларда малакали шифокорлар кўригидан ўтиш имконига эга бўлдилар. Бу эса "SHIFO NUR KO'Z" лазерли микрожаррохлик маркази ходимлари халқимизга беминнат хизмат кўрсатиб, даволаб беришга нажот қўлини қўйишга доим тайёр эканликларини кўрсатади.

...Кўзни инсон танасининг жавоҳири десак, кўз шифокорларини заргарларга тенглаш мумкин. Зеро, улар меҳнатларининг қадри ҳам, ноziлиги ҳам заргарларникидан асло кам эмас. Шундай экан, инсон гавҳарининг заргарлари бўлган "SHIFO NUR KO'Z" маркази шифокорларига хорманглар, қўлингиз дард кўрмасин, деб қоламиз.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «SHIFO NUR KOZ» маркази фаолиятдан лавҳалар

ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда). Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилётган илчил чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2008 йил учун бюджет даромадлари бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари 102,3 фоиз бажарилиши билан бирга, солиқ қарздорлигини ундириб олишда ҳам муайян ютуқларга эришилди. Солиқ идораларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда амалга оширган тadbирлари натижасида нақд пул тушуми 2008 йил давомида 1,7 баробарга ўсди.

Йилгиллида бу каби ишлар қўлимини янада кенгайтириш ва давлатимиз раҳбари томонидан солиқ тизимини олдига қўйилган устувор вазифалар бажарилишини изчил таъминлаш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Президентимиз маърузасини давлат солиқ хизмати органлари шахсий таркиби томонидан пухта ўрганилиши ва тизим ўқув юртлирида мазву бўйича машғулотлар ташкил этилиши белгилаб олинди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 29 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроектисодиёт кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори талабларига асосан меъёрий ҳужжатларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, шунингдек, худудий солиқ органларида ҳамда солиқ тўловчилар ўртасида олиб борилаётган тарғибот ишларини янада кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Хусусий тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш, ўз иши, бизнесини ташкил этишга интилаётган одамларга тўқсунлик қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан ўз мансаб ва қолатларини суистеъмол қилиш, солиқ тўловчиларнинг фаолиятига ноқонуний аралашуш ҳолатларига чек қўйиш юзасидан зарур кўрсатмалар берилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини кенгайтириш бўйича ихтисослашган агросаноат фирмаларига солиқ имтиёзлари таъсирини мониторинг қилиш ва энергетика тизимини модернизация қилиш борасида бажарилиши зарур бўлган ишлар муҳожама этилди. Эскирган техника ва технология асосида зарар қўриб ишлайётган корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдидаги қарздорлигини қисқартириш борасидаги ишларни янада чуқурлаштириш хусусида тақлифлар билдирилди.

Хайъат йилгиллида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири

Иқтисодиёт ДОИМИЙ БУЮРТМАЧИЛАРГА ЭГА

ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ, РАҚОБАТБАРДОШЛИгини ОШИРИШ ХАРИДОРЛАР САФИ ОРТИШИДАГИНА ЭМАС, БАЛКИ ҲАР БИР КОРХОНАНИНГ ДОИМИЙ БУЮРТМАЧИЛАРИ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАРИ КўПАЙИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Бугунги кунда «ASN» савдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати кундан кунга ортиб, турлари эса талаб ва тақлифлар асосида кўпайиб бораётгани корхона ривожланишининг ёрқин далилидир. Пойтахтимиздаги «ASN» маъсулияти чекланган жамияти икки йўналишда фаолият кўрсатиб, биринчисида савдо шохобчалари ва супермаркетлар учун совутигч ва пештахта жиҳозлари, иккинчисида эса мебель маҳсулотлари тайёрланади.

Ўз фаолиятини 7 нафар ишчи билан бошлаган корхонада ҳозирда уларнинг сафи 10 бараварга ортганлиги ишлаб чиқариш ривожидан далолат бериб турибди.

— Авваллари мана шундай товарлар хориж давлатларидан келтириларди, — дейди корхона директори Анвар Назиров. — Албатта, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун тинмай изланиш, Италия ҳамда бошқа давлатлардан энг замонавий технологик линиялар келтириб ўрнатиш баробарида кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Мақсади-миз нафақат импорт ўрнини босувчи, балки экспорт топ товарларни тайёрлаш, ҳам ички, ҳам ташқи бозорда ўз ўрнинини топиш эди. Ҳозирда мамлакатимизда ўз маҳсулотларимиз билан етакчи корхоналар сафидамиз.

Бугунги кунда корхонада юксак умумий технологик линиялар кувватидан фойдаланган ҳолда моҳир дизайнерларнинг изланишлари асосида талабларга мос маиший совутигчлар ва совутигчи савдо пештахталари, кўча дўкончалар, касса терминаллари ҳамда мебель турлари ишлаб чиқарилмоқда. Буюртмачи талаб ва тақлифларидан келиб чиққан ҳолда ушбу жиҳозлар дўконларга мос ва хос тарзда тайёрланади.

Харидорларга қўлайлик яратиш мақсадида пойтахтимизнинг «Чилонзор» ва Паркент бозорларида корхонанинг фирма дўконлари очилган. Бу ерда харидорларга хизмат кўрсатиш баробарида уларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам ўрганилади.

Жорий йилда янги маҳсулот турлари устида изланаётган тadbirkorлар ўз товарларини Хамдўстлик давлатларига экспорт қилишни ҳам режаляб қўйишган.

ТЕПЛОВАЗНИНГ ЯНГИ ТУРИ ЯРАТИЛДИ

ЮКЛАРИНИ ТЕМИР ЙЎЛ ОРҚАЛИ МАНЗИЛЛАРИГА ЎЗ ВАҚТИДА ВА БЕХАТАР ЕТКАЗИШДА ТЕПЛОВАЗЛАРИНГ ЎРНИ АЛОҲИДАДИР. ЮК ПОЕЗДЛАРИНИ ОФИРЛИГИГА ҚАРАБ ТУРЛИ РУСУМДАГИ ТЕПЛОВАЗЛАР ТОРТАДИ.

Бугунги кунгача бу борада икки ёки уч секцияли тепловозлардан фойдаланилаётган бўлса, ҳозирда уларнинг тўрт секцияли тури, яъни «4ТЭ 10М-5047» русумлиси ҳам ишлаб чиқарилаётгани эътиборлидир. Бундай янги русумли тепловозлар «Ўзбекистон темир йўллари ДАКга қарашли «Ўзтемирйўлмаштаб-мир» унитар корхонасида тайёрланмоқда.

Мазкур янги техника воситасини тайёрлаш учун унитар корхона мутахассислари барча билим ва имкониятларини ишга солган ҳолда тинимсиз меҳнат қилишди. Энг мураккаб вазифа саналган 4 та секция ишини бир кабинадан туриб бошқаришга мослаштириш бўлиб, бу муваффақиятли удаланди. Энг муҳими эса бошқаришга қўлай ва афзалликларга эга бўлган янги техниканинг синовдан муваффақиятли ўтганидир.

Шарофат БАҲРОМОВА

ҚАНДАЙ ҲОРДИҚ ЧИҚАРАСИЗ?

Кўпинча ишдан ҲОРИБ-ҲАРЧАБ УЙГА КЕЛГАНИНГИЗДА ДАМ ОЛИБ, ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШГА ЧОҒЛАНСИЗ. Бундай вақтда ҚАНДАЙ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШНИ БИЛАСИЗИ?

Баъзилар дастурхон атрофида тўпланиб чой, қахва ёки бошқа ичимликлар ичишни дам олиш деб ўйлашади. Ваҳоланки, бу ўз-ўзини алдашдир. Дам олиш, ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШ деганда барча ҳаракатлардан ҳоли бўлган ҳолда ором олиш тушуналади. Ҳордиқ чикариш руҳ ва ақл дунёси ҳисобланади. У безовталиксиз ва ҳажжонсиз, бадан ва ақл тинчлигидир. Сизнинг ҲОРДИҚИНГИЗ барча асабларингизга бардамлик бағирингиз. Дам олаётганнингизда оёғингизни бир-бирига қилиштириб ўтирмаслигингиз керак, чунки бундай ҳолатда оёқни озиқлантираётган артериалари эзиб қўясиз. Бунда сиз дам ололмайд, юракка катта иш ортираёсиз. Утирганда хен қанчон оёғингизни устма-уст қўйиб қилиштирманг. Ҳордиқ чикариш бу тана бўйлаб қон эркин юриши-

ни таъминлашдир. Агар оёғингиздаги туфлингиз сиқиб ёки галстугингиз бўйингизни бўғиб турса, бош кийимингиз тор бўлса, сиз ҲОРДИҚ ЧИҚАРА ОЛМАЙСИЗ. Энг яхши ҲОРДИҚ бу ёнгли кийимда дам олишдир. Дам олаётганнингизда миянгизни барча ташвиш, ҳаяжон ва муаммолардан халос қилишигиз керак. Мушак, асаблар бўшаганда юрак фаолияти секинлашади ва нафас олишнинг сокинлашади. Бу буткул ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШГА олиб келади. Шунингдек, энг яхши ҲОРДИҚ— бу қисқа муддатли уйқудир. Унда барча мускулларингизни бўшаштириб оласиз. Баъзилар ҳар хил дорилар, чой, қахва ёки спиртли ичимликлар каби қувватлантирувчи воситалардан фойдаланадилар. Бу эса толиққан асабларни янада кучайтиради. Агар очикиш даврида қувватлантирувчи

унга дам бермай туриб сиз тансиҳатликка эриша олмайсиз.

Спорт билан шугулланиш— соғлигингиз гаровидир. Ҳеч қачон шундук ўтириб ёки ётиб, албатта барча ташвишларни йиғиштириб дам олишдан уялманг. Бу фақат ёқимли бўлиб қолмай, балки мутлақо зарурдир. Мириқиб дам олиш учун хонани қоронғи қилиб, радио ва телевизорни ўчириб, қўларни ёнга узатиб ётган ва идрокнингизни сувайтиринг. Қўллар ҳам дам олсин. Бошингизни ўзингизга маъқул ҳолда иложи бўлса паст ёстиққа қўйиб уланг. Мушакларингизга эҳтиёж сезмасангиз зўр берманг. Қўл ва оёқларингизни ҳаракатлантирманг, йўқса ички жараёни бузиб қўйишигиз мумкин. Мушаклар бўшаганда сиз ажиб ором оласиз. Мана шу амалларга риоя қилсангиз, ҳаммиса соғлом, асабларингиз мустаҳкам бўлишига эришасиз.

Гулнора ҲАМИДОВА тайёрлади

Миннатдорлик

БУРЧИГА СОДИҚ ИНСОНЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА КўПЛАБ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ОРАСИДА ЎЗИНИНГ КАСБИЙ САЛОҲИЯТИГА ЭГА БўЛган ИНСОНЛАРИ ҚАНЧАЛАР ЭТИРОФ ЭТСАМКА, ОЗЛИК ҚИЛАДИ. АЙТИШ МУМКИНИ, БЕМОР ДАРДИГА МАЛҲАМ БўЛАётган ШИФОКОРУ ҲАМШИРАЛАРИМИЗ МЕҲНАТИ ҲАЖОН ТАҲРИБАСИ САРИ РАВНАҚ ТОПАётганлигини КўРИБ ТУРИБ КўВОНАМИЗ.

Турмуш ўртоғим 4-5 йилдан бери Тошкентдаги Республика эндокринология илмий-текириш клиникасининг қалқонсимон без касалликлари бўлимида шифокор Дилноза Маҳмудова қўлида даволаниб келади. Яқинда тажрибали шифокорнинг маслаҳатлари билан мазкур шифо масканига 15 кун даво муолажаларини олган турмуш ўртоғим оиламиз барига соғ ва саломат қайтди. Ана шундай ўз касбининг фидойиси, меҳрибон, ширинсўз ва камтарин инсон Дилноза Маҳмудова оила аъзоларим номидан ташаккур айтаман. Мамнуният билан таъкидлаётганим, Республика тиббиёт тизимида фахрланса аризулиги иш-

лар амалга оширилаётганлиги, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ҳам тобора яхшиланганлиги, бундай муваффақиятларга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг саяё-ҳаракатлари билан эришилаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Дунёда Дилноза Маҳмудова сингари ўзининг ширин сўзи, инсоний фазилатлари билан беморлар қалбига малҳам бўлаётган шифокорлар кўп бўлсин.

Исмоил АБДУЛЛАЕВ, уруф фаҳрийси Тошкент вилояти, Қибрай тумани.

Маннон НАБИЕВ, доришунос



ОЗГИНА КҲНТ ҚИЛИНГ

Милқимнинг гоҳ у томони, гоҳ бу томони пилла бўлиб туради. Худди озгинада кўрт бордай лунжик бўртиб тургани турган. Бунинг давоси борми?

Т.Имомов, коллеж талабаси
Милқинг пилла бўлиши тиб тилида флос деб аталади. Бу нохуш хасталикнинг давоси осон. Ўлкамизда кўп йиллар ўсган, дорихоналар бисотида бўладиган мармарак ўти (трава шалфей) дан тайёрлаб фойдаланилса бўлган. Бунинг учун 20 грамм микдорда мармарак ўтидан олиб 200 грамм қайноқ сув билан дамлама тайёрланади-да, сузиб олинган, унга 1 чой қошиқ асл асал қўшилиб мазкур аралашмадан тез-тез оғиз чайкаб турилади.

Милқиди пиллани йўқотишнинг яна бир осон йўли бор. Бунда ерқаламлар индици тозаланган, қирғичдан ўтказилади. Сўнгра ундан 1 чой қошиқ микдорда олиб бир стакан сув ёки мусаллас билан 4 соат мобайнида дамбаб қўйилади. Дамлама билан оғиз чайиб туриладиган бўлса, пилладан, оғиздан келадиган бадбўй исдан холи бўлинади.

ЦИСТИННГ ДАВОСИ

Гўдак эмас, балогат ёшдаман, уйқуд тўшақани қўллаб қўйиш одатим бор. Дўхтир «цист» бўлгансиз, деб химматбахо дориларни ёзиб берди. Даволанишнинг осон, қўлланиши жўн бўлган

Маннон НАБИЕВ, доришунос

Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг

2009 йил 31 январдаги «Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиб, адвокатлик бюро, фирма ва ҳайъатларда адвокатлик фаолияти билан шуғулланмаётган шахсларнинг лицензияларининг амал қилишини тугатиш ҳақида»ги 13-ум-Б сонли буйруғига асосан куйидаги шахсларнинг лицензиялари

БЕКОР ҚИЛНАДИ

Т/Р	Ф.И.Ш.	Лицензия рақами	Берилган санаси	Т/Р	Ф.И.Ш.	Лицензия рақами	Берилган санаси	Т/Р	Ф.И.Ш.	Лицензия рақами	Берилган санаси
1.	Варганов В.	TN - 000043	20.07.1997 йил	94.	Унарова З.	TN - 001131	08.10.1999 йил	194.	Шамсиева Г.	TN - 002086	27.02.2004 йил
2.	Дустобоева М.	TN - 000054	01.07.1997 йил	95.	Жалилов М.	TN - 001136	25.10.1999 йил	195.	Бугаева Л.	TN - 002088	24.03.2004 йил
3.	Бабенко Б.	TN - 000057	01.07.1997 йил	96.	Кириленко О.	TN - 001141	25.11.1999 йил	196.	Розумов Н.	TN - 002096	25.03.2004 йил
4.	Мясковский Ю.	TN - 000068	28.07.1997 йил	97.	Баранова Н.	TN - 001151	01.12.1999 йил	197.	Ирсалиев А.	TN - 002105	06.05.2004 йил
5.	Маринич Б.	TN - 000125	30.07.1997 йил	98.	Пискунов О.	TN - 001154	01.12.1999 йил	198.	Ташмухамедова С.	TN - 002114	12.05.2004 йил
6.	Попов В.	TN - 000145	20.06.1997 йил	99.	Базаров Б.	TN - 001162	01.12.1999 йил	199.	Пардаев Ф.	TN - 002119	12.05.2004 йил
7.	Сокалинский Э.	TN - 000160	20.06.1997 йил	100.	Тимошенко Я.	TN - 001164	03.12.1999 йил	200.	Мирзаев У.	TN - 002130	25.05.2004 йил
8.	Савинов А.	TN - 000165	20.06.1997 йил	101.	Рахматуллаев Ш.	TN - 001195	03.02.2000 йил	201.	Султонбекова Г.	TN - 002140	05.06.2004 йил
9.	Агавелян Ж.	TN - 000168	20.06.1997 йил	102.	Исмаева Н.	TN - 001207	11.02.2000 йил	202.	Дадамухамедова Н.	TN - 002148	08.06.2004 йил
10.	Сенин В.	TN - 000179	20.06.1997 йил	103.	Рустамбаев М.	TN - 001216	10.03.2000 йил	203.	Липченко В.	TN - 002156	13.07.2004 йил
11.	Чашкова М.	TN - 000205	23.06.1997 йил	104.	Воротников С.	TN - 001218	23.03.2000 йил	204.	Абдурахманов Д.	TN - 002157	13.07.2004 йил
12.	Пономарев Г.	TN - 000209	30.06.1997 йил	105.	Муратов Х.	TN - 001238	26.03.2000 йил	205.	Абдигалларов Д.	TN - 002166	06.09.2004 йил
13.	Нестеренко Н.	TN - 000253	15.06.1997 йил	106.	Каримов О.	TN - 001242	29.03.2000 йил	206.	Наврозова М.	TN - 002169	06.09.2004 йил
14.	Хисматова Э.	TN - 000260	15.07.1997 йил	107.	Палицина З.	TN - 001257	21.04.2000 йил	207.	Султонов Ж.	TN - 002171	06.09.2004 йил
15.	Ибрагимов А.	TN - 000262	16.06.1997 йил	108.	Абдуллажанова Ф.	TN - 001268	26.04.2000 йил	208.	Абиров Ф.	TN - 002187	13.09.2004 йил
16.	Зайнутдинов Х.	TN - 000263	16.06.1997 йил	109.	Саттаров Ю.	TN - 001276	01.06.2000 йил	209.	Юсупходжаев Б.	TN - 002188	14.09.2004 йил
17.	Шарилов Т.	TN - 000274	16.06.1997 йил	110.	Сутюшев А.	TN - 001281	01.06.2000 йил	210.	Валиходжаев Н.	TN - 002203	29.09.2004 йил
18.	Егошин В.	TN - 000280	16.06.1997 йил	111.	Тиллаходжаев Б.	TN - 001287	01.06.2000 йил	211.	Анварова Н.	TN - 002216	26.10.2004 йил
19.	Некрамова Н.	TN - 000294	16.06.1997 йил	112.	Вахидов В.	TN - 001306	13.07.2000 йил	212.	Гафуров М.	TN - 002219	26.10.2004 йил
20.	Буханов В.	TN - 000304	16.06.1997 йил	113.	Файзиев А.	TN - 001316	18.07.2000 йил	213.	Ражабов Ф.	TN - 002226	29.10.2004 йил
21.	Кушнир Э.	TN - 000305	16.06.1997 йил	114.	Садиқов Т.	TN - 001326	07.08.2000 йил	214.	Борминская Д.	TN - 002234	04.11.2004 йил
22.	Плит И.	TN - 000306	28.07.1997 йил	115.	Мараджапов Г.	TN - 001330	07.08.2000 йил	215.	Бакиев Е.	TN - 002237	11.11.2004 йил
23.	Сарабеков А.	TN - 000001	25.07.1997 йил	116.	Балтаев К.	TN - 001340	18.09.2000 йил	216.	Арифджанова З.	TN - 002242	30.11.2004 йил
24.	Ибодов С.	TN - 000330	21.07.1997 йил	117.	Зайдов Р.	TN - 001341	18.09.2000 йил	217.	Асланов Ф.	TN - 002258	20.12.2004 йил
25.	Курманов Р.	TN - 000346	23.06.1997 йил	118.	Хайруллаев Г.	TN - 001343	18.09.2000 йил	218.	Касимов Р.	TN - 002268	22.12.2004 йил
26.	Бриль О.	TN - 000351	02.06.1997 йил	119.	Зайцев А.	TN - 001353	18.09.2000 йил	219.	Шамсиев Д.	TN - 002269	22.12.2004 йил
27.	Сурков А.	TN - 000354	10.06.1997 йил	120.	Нурмурадова Э.	TN - 001365	26.09.2000 йил	220.	Якубова Д.	TN - 002280	05.01.2005 йил
28.	Егошина О.	TN - 000364	16.06.1997 йил	121.	Юнусова Н.	TN - 001370	03.10.2000 йил	221.	Олжаев О.	TN - 002287	18.02.2005 йил
29.	Пашков Г.	TN - 000367	03.06.1997 йил	122.	Кузиева Д.	TN - 001381	07.11.2000 йил	222.	Юнусов Ф.	TN - 002295	21.02.2005 йил
30.	Франгульян Р.	TN - 000368	10.06.1997 йил	123.	Хорьяков И.	TN - 001394	20.11.2000 йил	223.	Нарбекова Г.	TN - 002299	22.02.2005 йил
31.	Назарова О.	TN - 000398	15.07.1997 йил	124.	Ахмедова Г.	TN - 001397	20.11.2000 йил	224.	Алиева Д.	TN - 002300	22.02.2005 йил
32.	Эржонов А.	TN - 000423	28.07.1997 йил	125.	Матякубова Д.	TN - 001405	05.01.2001 йил	225.	Грицкова Н.	TN - 002303	23.02.2005 йил
33.	Присяжнюк В.	TN - 000427	30.07.1997 йил	126.	Хамидов Г.	TN - 001407	05.01.2001 йил	226.	Азимова Х.	TN - 002305	24.02.2005 йил
34.	Амченцева Р.	TN - 000453	23.06.1997 йил	127.	Султанов Ф.	TN - 001415	08.01.2001 йил	227.	Нигманова М.	TN - 002336	29.04.2005 йил
35.	Кушнир А.	TN - 000455	23.06.1997 йил	128.	Муратходжаев Н.	TN - 001432	02.02.2001 йил	228.	Юсупов И.	TN - 002346	02.05.2005 йил
36.	Багдасарова И.	TN - 000482	15.07.1997 йил	129.	Мецерин В.	TN - 001439	02.04.2001 йил	229.	Каримова Ф.	TN - 002357	11.05.2005 йил
37.	Ришина С.	TN - 000484	15.07.1997 йил	130.	Султонова Х.	TN - 001446	02.04.2001 йил	230.	Сапаров Ю.	TN - 002359	07.06.2005 йил
38.	Назаров М.	TN - 000490	15.07.1997 йил	131.	Насыров М.	TN - 001473	05.04.2001 йил	231.	Ахмедов Б.	TN - 002368	11.07.2005 йил
39.	Светляков В.	TN - 000496	30.07.1997 йил	132.	Кульчинская В.	TN - 001495	01.05.2001 йил	232.	Тохтаева Н.	TN - 002379	14.07.2005 йил
40.	Кокин П.	TN - 000497	28.07.1997 йил	133.	Дмитриева Т.	TN - 001517	28.06.2001 йил	233.	Тиллаева Т.	TN - 002395	29.07.2005 йил
41.	Кияшко Р.	TN - 000498	28.07.1997 йил	134.	Зиганшина Д.	TN - 001524	28.06.2001 йил	234.	Муртазин М.	TN - 002409	13.09.2005 йил
42.	Тайшев В.	TN - 000518	30.07.1997 йил	135.	Левин А.	TN - 001536	09.07.2001 йил	235.	Махкамова Н.	TN - 002424	14.10.2005 йил
43.	Усманов С.	TN - 000532	25.07.1997 йил	136.	Жураев И.	TN - 001560	20.09.2001 йил	236.	Эшмахаматов А.	TN - 002425	14.10.2005 йил
44.	Намозов И.	TN - 000535	25.07.1997 йил	137.	Пардаев Э.	TN - 001561	20.09.2001 йил	237.	Худайбердиева А.	TN - 002428	17.10.2005 йил
45.	Салахутдинов Д.	TN - 000592	30.07.1997 йил	138.	Раджабов Б.	TN - 001580	12.10.2001 йил	238.	Касимов Т.	TN - 002432	17.10.2005 йил
46.	Хайрутдинов К.	TN - 000615	28.08.1997 йил	139.	Самигджанова Г.	TN - 001599	24.12.2001 йил	239.	Уланова Е.	TN - 002497	26.12.2005 йил
47.	Колдарбеков У.	TN - 000626	20.08.1997 йил	140.	Бакирова Ю.	TN - 001609	26.12.2001 йил	240.	Рахмонов А.	TN - 002513	05.01.2006 йил
48.	Станчук Г.	TN - 000650	05.11.1997 йил	141.	Мухамедов Р.	TN - 001614	02.01.2002 йил	241.	Кариева Н.	TN - 002517	11.01.2006 йил
49.	Шукуров А.	TN - 000656	05.11.1997 йил	142.	Туралова М.	TN - 001616	02.01.2002 йил	242.	Сатвалдиева Ж.	TN - 002519	11.01.2006 йил
50.	Нам Г.	TN - 000666	10.11.1997 йил	143.	Хафизов Ф.	TN - 001621	02.01.2002 йил	243.	Шерматов Э.	TN - 002522	18.01.2006 йил
51.	Рогожин Г.	TN - 000668	01.12.1997 йил	144.	Костецкий К.	TN - 001623	02.01.2002 йил	244.	Ахмеджанова Г.	TN - 002525	19.01.2006 йил
52.	Талипов М.	TN - 000679	05.12.1997 йил	145.	Кадиров Т.	TN - 001627	14.01.2002 йил	245.	Бекбаев У.	TN - 002534	01.03.2006 йил
53.	Норкулов С.	TN - 000680	05.12.1997 йил	146.	Атаходжаев Ф.	TN - 001631	31.01.2002 йил	246.	Давлетов Н.	TN - 002561	12.04.2006 йил
54.	Сулаймонов М.	TN - 000703	31.12.1997 йил	147.	Арипов Д.	TN - 001644	13.05.2002 йил	247.	Мустафаев М.	TN - 002584	22.05.2006 йил
55.	Золина И.	TN - 000706	07.01.1998 йил	148.	Тагиров Р.	TN - 001651	13.05.2002 йил	248.	Алибеков Б.	TN - 002593	08.06.2006 йил
56.	Джумамуратов Ш.	TN - 000751	07.01.1998 йил	149.	Соседова Н.	TN - 001659	13.05.2002 йил	249.	Шарилов Ш.	TN - 002602	28.06.2006 йил
57.	Юн И.	TN - 000759	06.02.1998 йил	150.	Азимов М.	TN - 001662	13.05.2002 йил	250.	Махкамов Р.	TN - 002606	03.07.2006 йил
58.	Арустамов К.	TN - 000796	23.03.1998 йил	151.	Ахпержаньянц А.	TN - 001676	16.05.2002 йил	251.	Аббасова М.	TN - 002607	04.07.2006 йил
59.	Кан И.	TN - 000806	01.05.1998 йил	152.	Каюмов Р.	TN - 001679	16.05.2002 йил	252.	Гулямова К.	TN - 002621	16.08.2006 йил
60.	Дё У.	TN - 000808	01.05.1998 йил	153.	Адилходжаев А.	TN - 001680	16.05.2002 йил	253.	Файзиев Б.	TN - 002626	18.08.2006 йил
61.	Явкочев Х.	TN - 000810	01.05.1998 йил	154.	Закиев Р.	TN - 001691	31.05.2002 йил	254.	Умарова М.	TN - 002636	28.08.2006 йил
62.	Горбунов В.	TN - 000812	01.05.1998 йил	155.	Раджабов З.	TN - 001694	07.06.2002 йил	255.	Мирзаева С.	TN - 002638	05.09.2006 йил
63.	Джалилова Б.	TN - 000817	01.05.1998 йил	156.	Абдулхасанова Д.	TN - 001701	14.10.2002 йил	256.	Нажимитдинов Д.	TN - 002674	17.11.2006 йил
64.	Полик В.	TN - 000821	11.05.1998 йил	157.	Хайдаров Ш.	TN - 001703	14.10.2002 йил	257.	Нажмитдинова Н.	TN - 002675	17.11.2006 йил
65.	Самарходжаев Б.	TN - 000825	27.05.1998 йил	158.	Пуллатова Т.	TN - 001704	14.10.2002 йил	258.	Абдусаломова Д.	TN - 002700	25.12.2006 йил
66.	Адилходжаева С.	TN - 000834	15.06.1998 йил	159.	Саидов А.	TN - 001753	14.10.2002 йил	259.	Зупаров Ш.	TN - 002704	25.12.2006 йил
67.	Ташпулатова М.	TN - 000837	15.06.1998 йил	160.	Сайдова Л.	TN - 001754	14.10.2002 йил	260.	Хусаинова У.	TN - 002706	26.12.2006 йил
68.	Александрова Е.	TN - 000852	10.08.1998 йил	161.	Арутюнян Е.	TN - 001763	14.10.2002 йил	261.	Меледжаев Ф.	TN - 002717	19.02.2007 йил
69.	Бабаев Х.	TN - 000854	10.08.1998 йил	162.	Ёкубов Ж.	TN - 001775	17.10.2002 йил	262.	Журавлева Э.	TN - 002719	20.02.2007 йил
70.	Шамсиев Б.	TN - 000862	12.08.1998 йил	163.	Ахунджанова Д.	TN - 001777	17.10.2002 йил	263.	Нормунинов А.	TN - 002735	15.03.2007 йил
71.	Садиқов М.	TN - 000889	28.10.1998 йил	164.	Мазакирова К.	TN - 001788	29.10.2002 йил	264.	Тухташева У.	TN - 002787	31.05.2007 йил
72.	Загребин В.	TN - 000891	30.10.1998 йил	165.	Мингалиева Д.	TN - 001792	05.12.2002 йил	265.	Икратова Х.	TN - 002801	18.07.2007 йил
73.	Жураев М.	TN - 000922	04.12.1998 йил	166.	Хамраев О.	TN - 001800	12.12.2002 йил	266.	Султанова Л.	TN - 002808	26.07.2007 йил
74.	Салимов С.	TN - 000927	25.12.1998 йил	167.	Хамраева Г.	TN - 001808	12.12.2002 йил	267.	Бакирова В.	TN - 002810	26.07.2007 йил
75.	Анисей В.	TN - 000937	30.12.1998 йил	168.	Пинхасов Р.	TN - 001809	12.12.2002 йил	268.	Шарилов Б.	TN - 002817	29.08.2007 йил
76.	Дряев Е.	TN - 000946	30.12.1998 йил	169.	Ахмедова Ф.	TN - 001828	23.12.2002 йил	269.	Хахимов И.	TN - 002827	05.09.2007 йил
77.	Хаустов И.	TN - 000974	01.03.1999 йил	170.	Ахмадалиев Х.	TN - 001830	25.12.2002 йил	270.	Бекбаев В.	TN - 002852	03.10.2007 йил
78.	Абдулхасанов Р.	TN - 000979	05.03.1999 йил	171.	Аллаев А.	TN - 001841	03.02.2003 йил	271.	Сабилов В.	TN - 002855	04.10.2007 йил
79.	Мгебришвили О.	TN - 000981	05.03.1999 йил	172.	Вольжский Н.	TN - 001858					



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ХИКМАТЛАР

Кишини имтихон этмай чу юз бор,
У бирлан бўлма ҳаргиз махрам асрор.

Гўлу нодон ила ҳеч бўлма улфат,
Бошинга оттирар ул дарду кулфат.

Кўнгилни очмагил нодонга асло,
Жавоб берма магар сўз айтса гумроҳ.

Оғир, вазмин ўтир, этма шитоб ҳеч,
Югурма ел каби, бўлма симоб ҳеч.

Тилинга бермагил эрк, ушла тилни,
Чу ўттиз тиш ила сен тишла тилни.

Фикр, андиша аввалдир, кейин сўз,
Савол кўп берма, қамроқ сўзлагин сўз.

Агар сўз сўзласанг, ҳуш сўзла доим
Ки андин яхшилик бўлгуси қоим.

Аёллар олдида сен очмагил сир,
Сиринг ҳар ёққа сўнг тарқалгусидир.

Боқиб фарзандини, яхши тарбият қил,
Етук бўлгуси деб яхши ният қил.

Ёмонлардин йироқ тут, асра зинҳор,
Ёмонга ёндашиб, бўлгай гуноҳқор.

Қариларга тавозу айлагайсен,
Қариганда бу сўзни англагайсен.

Сўзинг оз бўлсини соз, баски ширин,
Фалокат кўзгалур кўп сўзламоқдир.

Буюқлар сўзини сен айлагил ёд,
Уларнинг ҳикмати умринга устод.

Кишиким иззатингни тутди аъло,
Такаббурлик била хор этма асло.

Кишиким айтса бир сўз эртами, кеч,
Эшитганман бу сўзларни, дема ҳеч.

Кишиким ул синовдин ўтди кўп бор,
Яна бир имтихонин этма зинҳор.

Бирор оғзи бузукқа бермагил қўл,
Сени ҳам айлагай оғзи бузук ул.

Қабиҳ, нодон ила дўст бўлма, ҳамкор,
Етар жонинга андин ранжу озор.

Кишиким гар буюрса нораво иш,
Табрирма, этмагил андоқ адо иш.

Кишиким, майдагапдир ул, йироқ тут,
Эшитсанг, рўзгорингдан кетар кут.

Бировнинг ҳолига боққан замони,
Ўзингдин яхшироқ деб бил ёмонни.

Ёмон ўйларга борма, яхши деб айт,
Мулойим қил сўзингни айтганин пайт.

Хама инсонга мунис, меҳрибон бўл,
Хама жонларга ҳуршиди ҳақон бўл.

Тиларсен Каъбани этмоқни обод,
Кўнгил аҳлини аввал айлагил шод.

Кўзингни баски номахрамга солма,
Ўзингни ногаҳоний гамга солма.

Бировга бермагил беҳуда дашном,
Кишини гийбат айлаб, этма бадном.

Ёқар бўлсанг бировни камситиб шам,
Ёнарсен шам каби охир ўзинг ҳам.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Спорт

МУНОСИБЛАР ҒОЛИБ БЎЛДИ

ПОЙТАХТДАГИ СУВ СПОРТИ МАЖМУАСИДА СУВГА САКРАШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ ЯКУНЛАНДИ.

Айтиш жоизки, мусобақа Сингапур ёшлар олимпиадасига муносиб номзодларни саралаб берди. 1993-1994 йилларда тузилган ўсмирлар ўртасидаги биринчиликда эллик нафарга яқин спортчи беш ва етти ярим метр баландликдан сакраш бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Баҳслар давомида ҳакамлар 1993-1998 йилларда тузилган ўсмирларнинг синов машғулотларини ҳам кўздан кечиришди.

Мусобақа давомида ҳакамлар берилган дастурни мукаммал ва аниқ бажарилишига алоҳида эътибор беришди. Айниқса, бир метрлик трамплиндан сакраш баҳсларида ўғил болалар ўртасида Тошкент шаҳар жамоаси аъзоси Достон Ботиров биринчи ўринга кўтарилган бўлса, Олмалиқ жамоаси аъзоларидан Дмитрий Карелин ва Тимафидир Катуровлар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Қизлар ўртасида эса энг юқори бал тўплаш бу сафар ҳам Кристина Мираслановага насиб этди. Олмалиқлик Анастасия Хаминкова, Дарья Кашировская кейинги ўринлардан жой олди.

Мусобақанинг якуновчи беллашуварларида қатнашчилар етти ярим метрлик баландликдан сакраш бўйича имкониятини синовдан ўтказди. Унда кутилганидек, Кристина Мирасланова эмас, балки Анастасия Хаминкова биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин ҳам унинг жамоодоши Дарья Кашировскаяга, фахрли учинчи ўрин эса андижонлик Давлатой Холмирзаевага насиб этди.

Рустам ХАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»



Таълим масканларида

ФАН ОЙЛИКЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ЎҚУВ МАСКАНЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА ФАН ОЙЛИКЛАРИНИ МУНТАЗАМ РАВИШДА ЎТКАЗИШ АНЪАНАГА АЙЛАНГАН.



Жумладан, Учтепа туманида жойлашган «Ором» болалар мактаб-марказида ҳам жорий йил боши-

дан тарих ва ҳуқуқ фанлари ойлиги ўтказилди. Ушбу анъанага мувофиқ мазкур ойликни ўтказишда ўқувчиларнинг тарих ва ҳуқуқ фани бўйича олган назарий билимлари, кўникма ва малакаларини амалиётга татбиқ эта олишларини таъминлаш учун кўрик-танловлар ўтказилди. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш

жараёни такомиллаштирилди. Фан ойлигининг биринчи ҳафтаси киши таътил кунларига тўғри келгани боис ушбу кунларни мазмунли ташкил этиш учун марказдаги 6,8- синф ўқувчилари билан биргаликда тарихий қадамжоларга сaxeтлар уюштирилди. Шунингдек, тарих ва ҳуқуқ фанини ўқитишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган дарс ишланмалари, тестлар тайёрланди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган деворий газета, буклет ва альбомлар тайёрланди. 8-9-синф ўқувчилари эса «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» мавзусида рефератлар тайёрлашди. Бундан ташқари тарих фани бўйича очик дарслар ўтказилди ва бунда ахборот технологияларидан, илгор педагогик тажрибалардан унумли фойдаланилди. Яқинда тарих ва ҳуқуқ фанлари ойлигининг якунига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда таъкидланганидек фан ойлиги ўқувчилар қалбида Ватанга садоқат, миллий ўзлиқни англаш каби туйғуларни шакллантириши, шубҳасиз.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: «Ором» мактаб-марказида ўтказилган фан ойлигидан лавҳа

КЎРГАЗМАДА ҲАРБӢЙ САЛОҲИЯТ АКСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МАРКАЗИЙ МУЗЕЙИДА IX “УМУМАРМИЯ БАДИИЙ ИЖОДИЁТИ” КЎРГАЗМА - ТАНЛОВИНИНГ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРСОМИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ФАХРИЙЛАРИ, ҲАРБӢЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

“Умумармия бадиий ижодиёти” кўргазмаси 2000 йилдан буюн анъанавий тарзда ўтказиб келинади. Унда Қуролли Кучлар фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, рассомлар ва ҳаваскор ижодкорлар ўз бадиий ва тасвирий санъат асарлари билан иштирок этади. Ўтказилган мазкур танловда ҳам юздан зиёд ижодий ишлар намойиш этилди. Асарларни кўзатар экансиз, унда маънавий теранлик, она Ватанга, ўз касбига меҳр ва келажакка бўлган ишонч туйғулари акс этганини кўрасиз. Шунингдек, ҳарбийларнинг машқ жараёнлари, бун-

дан ташқари чегарачилар ҳаётидан лавҳалар иштирокчиларнинг ижодий намуналарида рассомларга хос моҳирлик билан акс эттирилган. — Ҳар йили ўтказиладиган ушбу кўргазмада янгидан-янги ижодий ишларни кўрамиз, — дейди ҳарбий хизматчи П.Ортиқов. — Айниқса, ҳамкасбларимизнинг иқтидорли ва истеъдоди шу ерда тўла намоён бўлиб, бизни жуда қувонтиради. Мазкур кўргазма қатнашчиларининг ижодий ишларини саралаш ва уларни муносиб тақдирлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси вакиллари иштирокида

махсус комиссия тузилиб, ижодкорларнинг ишлари ўрганиб чиқилди. Унда энг сара тасвирий санъат асарлари танлаб олинди. Совриндорлар ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлиги ва эсдалик совгалари билан тақдирланди. Соҳа мутахасссларининг таъкидлашча, бу каби тадбирлар ҳарбий хизматчилар ва ёшлар онгида юксак маънавият, ватанпарварлик, ҳарбий қасамд ва она юртга садоқат хиссини шакллантиришга хизмат қилади.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
“Туркистон-пресс”

Шахмат хангомалари

СИРЛИ СЕАНС

Ёш Найдорф бир турнирдаги мусобақада Алёхин билан дуранга эришди.

— Табриклайман, — дейди рақиби унга қўлини узатиб. — Энди сиз жаҳон чемпиони билан дуранга эришганингиздан фахрланиб юрасиз.

— Кечирасиз, бизнинг ўртамаздаги учрашувлар 1,5 : 0,5 ҳисобида менинг фойдамга ҳал бўлган, — дейди Мигел кулисираб.

— Бу қанақа ҳазил? — шахмат қироли хайрон бўлади.

— Ха-ха, бир кун сиз Варшавада сеанс бераётганингизда менга ютказиб қўювдингиз.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, сиз янглишяпсиз, — дейди Алёхин қатъий қилиб. — Мени ютган ҳамма шахматчиларни яхши танийман.

— Ундай бўлса бу воқеа қандай ҳолатда содир бўлганини эслатишга рўхсат бергайсиз, — деди Найдорф. — Уша сеансда йигирма бешта тахтада ўйин бўлиши кўзда тутилганди, аммо сиз билан куч синаш иштиғи балан бўлган яна икки нафар ўсмирни ҳам ўйинга қўйиш учун сиздан рўхсат сўрашди. Аммо 25 рақами олдиндан келишилгани учун сиз таклифга кўнмайсиз. «Нахотки шу болакайлардан кўрсангиз?» дейди ташкилотчилардан бири сизнинг китик латингизга тегиб.

«Нима-нима?» — дейсиз сиз норози бўлиб. — Мен улар билан ҳатто тах-

тага қарамай ўйнашга ҳам тайёрман!» Шундан кейин ҳалиги ўсмирларни сизнинг кўрмаслигингиз учун сеанс бўлаётган жойдан нарироққа ўтказишди. Ушанда сеанс 24 : 1 ҳисобида тугайди, ягона ғалаба сиз тахтага қарамай ўйнаган болалардан бирига тегишли эди. Хоҳ шонинг, хоҳ ишонманг, ўша болакай мен эдим!

— Э-э, ўшанда руҳни еб хонасида қойилмақом қурбон қилган сизимдингиз?! — дея хитоб қилади Алёхин олис хотира бўлиб қолган ўша учрашуви эслаб. — Мен бўлсам бундан йигирма йил муқаддам Варшавада мени бошлаб ютган рақибимни кўролмай ҳуноб бўлиб юрүвдим!

ЙЎҚОЛГАН РУХЛАР

ФИДЕнинг (ҳалқаро шахмат федерацияси) биринчи президенти Александр Рюэб Алёхиннинг хотини Висхар Грейсга енгилгина бир кўл шахмат ўйнашни таклиф қилади.

Уйин пайтида шахмат қиролининг тилини тийиб туриши шарт қилиб қўйилади. Алёхин чурқ этмасликка ваъда бериб, ўзини четга олади. Қайтиб келиб мундоқ қараса, хотинининг аҳоли танг. Қулай фурсат топиб тахтадан президентнинг руҳини олиб қўяди-да, ҳеч нима бўлмагандай яна ўйинчилардан узоқлашади. Орадан беш дақиқа ўтгач у қизиқиб яна қайтиб келади. Уйин эса давом этар, хо-

тинининг позицияси яна оғирлашиб қолган эди. Шунда чемпион олдингидек тахтадан Рюэбининг иккинчи руҳини ҳам гумдон қилади.

Узоқ ўйлагандан кейин президентнинг аллами хитоби янгради: — Қоровул! Менинг иккала руҳим ҳам йўқолиб қолди!

Дарҳол Алёхиндан шубҳаланишди, аммо у пинагани бузмай жавоб қилади: — Афсуски ёрдам беролмайман, чунки ўйин пайтида оғиз очмасликка ваъда берганман.

ШУНДАЙ ТУЮЛАДИ

Жаҳон биринчилиги учун бўлган ўйинда Боголюбовни ишонч билан мағлубиятга учратган Алёхин матч шарафига уюштирилган зиёфатда калондимоғ рақибининг попугини сал пасайтириб қўйиш учун ўзи тўқиган шундай бир латифани айтиб берган эди: — Мен бугун тушимда ўлиб қолган эмишман. Жаннат эшигига келсам, авлиё Пётр «Фоний дунёда ким бўлган эдинг?» деб сўраб қолди. «Шахмат бўйича маэстро эдим» дея жавоб бердим. «Йўқ, бунақаларни жаннатга қўймайсиз» деди ҳазрат. Бошим қотиб, энди кетмоқчи бўлиб турганимда жаннат ёғларидан юрган Боголюбовни кўриб қолдим. «Ана бу жаноб жаннатда нима қилиб юрибди?» дедим. — Ахир у ҳам шахмат ўйнайди-ку?! «Йўқ, нималар деяпсиз?» — деди Пётр. — унга шундай туюлади».

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади

Мусобақалар

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ОЛИМПИАДА БАҲСЛАРИ

МАЪЛУМКИ, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИНГ ЮКСАК КАМОЛоти, АҚЛ-ИДРОКИ ВА ТАФАККУРИНИНГ БОЙИШИ, ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА МАЪНАН БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИ ЙЎЛИДА КАТТА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Хусусан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши бўлими томонидан «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида бир қатор танлов ва мусобақаларнинг ташкил этилиши ҳам айнан ёшларнинг билим салоҳиятини ошириб, ақл-идроқларини чархлагга хизмат қилиши кўзланганлиги билан эътиборга молиқдир.

Кун кеча Бектемир туманидаги «Нихол» спорт мажмуасида «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида тумандаги 289-, 290-, 291-, 292- ва 293- умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида спортнинг шахмат тури бўйича қизгин мусобақалар бўлиб ўтди.

—Мусобақаларда ҳар бир қатнашчи ғалаба қозонишга астойдил ҳаракат қилди,— дейди биз билан суҳбатда туман «Камалак» болалар ташкилоти раиси Гулмира Отабоева. —Ҳакамлар қайёвати ўқувчиларнинг ақлий салоҳияти, иқтидори ва истеъдодини кўрсата олиши ва тўплаган очкосига қараб одилона баҳолаган ҳолда ғолибни аниқлади. Мусобақалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, йилдан-йилга болажонлар ўртасида спортнинг ҳар бир турига бўлган қизиқиш ортиб соғлом турмуш тарзининг афзаллигига интилиш бўлмоқда.

Фойтад мароқли, ақллар чархланиб, қизгин беллашув билан ўтган ушбу мусобақада ўғил болалар ўртасида биринчи ўринга 291- мактаб ўқувчиси Достон Шоюнусов сазовор бўлди. Иккинчи ўринни 293- мактаб ўқувчиси Хурсанд Ражапов ва учинчи ўринни 289- мактаб ўқувчиси Нодир Убайдуллаевлар эгаллашди. Қиз болалар ўртасида эса биринчи ўрин 293- мактаб ўқувчиси Шоҳинур Камолва, иккинчи ўрин 289- мактаб ўқувчиси Маърифат Эгамшукурова ва учинчи ўрин 291- мактаб ўқувчиси Майра Мажитоваларга насиб этди.

Иштирокчиларнинг қўллаб-қувватлашлари билан кўтаринки руҳда ўтган ушбу мусобақа барчада яхши таассурот қолдирди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ҲУРМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш ҳаражатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал ҳўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлимларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришимиз мумкин.

МЧЖ «AYUBXON FARM» га 2007 йил 29 октябрда берилган 5601/5049-05 рақамли лицензиянинг битими йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма F- 106.

Телефонлар:
Эълонар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4512 нусxada босилади.
Қозғ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтамини»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.